

Б. АЛИЕВ
Т. НОРОВ

КОРРУПЦИЯ ГЛОБАЛ-ИЖТИМОЙ ИЛАТ


МОНОГРАФИЯ



«IQTISODIYOT»

338
А 49

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



Б. Алиев, Т. Норов

КОРРУПЦИЯ ГЛОБАЛ-ИЖТИМОИЙ ИЛЛАТ

Монография

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий бирлашмалар фаoliyatiini мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан мазкур монография илмий тадқиқотчилар, олий ўқув юртлари талабалари ва бошига мавзуга қизиқувчиларга тавсия этилади.

1910
kutubxonasi

h/n 80/3

ТОШКЕНТ – “IQTISODIYOT” – 2022

УЎК: 343.341.1

КБК: 67.404.06

Алиев Б., Норов Т.О. Коррупция глобал-ижтимоий иллат. Монография.
— Т.: “IQTISODIYOT”, 2022. -272 б.

Мазкур монографияда коррупция жамиятнинг энг зарарли иллати сифатида ифодаланиб, унга карши курашни аввало таълим-тарбиядан бошлиши, халқимизнинг бой маънавий меросидан, жаҳон тажрибасида синалган усууллардан самарали фойдаланиш кераклиги хакида фикр юритилган.

Монографияда келтирилган илмий далиллар, конунлар ва чора-тадбирлар, ҳар бир бобнинг шаклан хилма-хиллиги китобнинг тавсифли хусусияти саналади.

Ушбу монография барча соҳаларда фаолият юритаётган мутахассис, илмий изланувчилар ва кенг омма учун мўлжалланган.

Алиев Б., Норов Т.О. Коррупция — это глобальное бедствие.
Монография. — Т.: “IQTISODIYOT”, 2022. -272 с.

В этой монографии коррупция описывается как самое вредное бедствие общества, и утверждается, что борьбу с ней следует начинать с просвещения, эффективного использования богатого духовного наследия нашего народа, методов, проверенных мировым опытом.

Научные доказательства, законы и меры, представленные в монографии, а также разнообразие форм в каждой главе являются описательными особенностями книги.

Это исследование предназначено для профессионалов, исследователей и широкой общественности, работающих во всех областях.

*Мазкур монография проф. К.А. Шарипов,
проф. С.К. Худойқулов таҳрири остида нашр этилган.*

Масъул муҳаррир: Ш.Курбонов

Тақризчилар:

*фалсафа фанлари доктори, профессор — А. Мухтаров
фалсафа фанлари номзоди, доцент — Т. Султонов
фалсафа доктори (PhD), доцент — Д. Эрназаров*

*Монография Тошкент Давлат иқтисодиёт университети
Кенгашининг 2022 йил 31 январь 6-сонги Қарори
асосида нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-8157-2-8

© «IQTISODIYOT», 2022
© Б. Алиев, Т. Норов, 2022

КИРИШ

Коррупция, халқ атамаси билан айтганда “порахўрлик” энг қадимги ижтимоий иллатлардан бири бўлиб, бу иллат, барча даврларда дунёning турли минтақа ва давлатларида турли даражада ва хусусиятларда намоён бўлиб келган, унга қарши кураш чоралари ҳам турли даражада ва услубларда кечган. Афсуски, коррупция ҳозирги кунда ҳам иродасиз кишилар ҳисобига глобал муаммо сифатида сақланниб қолмоқда.

Коррупцияга қарши кураш илгари бир давлат доирасида кечган бўлса, ҳозирга келиб у жаҳон миқёсида умумий тизим асосида олиб борилмоқда. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар, давлатлараро ҳамдўстликлар доирасида бу жирканч иллатга қарши биргаликда кураш бўйича шартномлар, конвенциялар тузилаётганлигини айтиш мумкин. Жаҳон ҳамжамиятининг узвий кисми бўлган Ўзбекистон ҳам бундай ижтимоий иллатдан холи эмас. Шу боис бизда коррупцияга қарши курашнинг ўзига хос стратегияси ишлаб чиқилди ва у такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, коррупцияга қарши курашиш соҳасида мухим ташкилий-хукукий ислоҳотлар амалга оширилди. Аҳолининг хукукий онги ва ҳукукий маданиятини, жамиятда коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилди.

Ислоҳотларни амалга ошириш доирасида фуқароларнинг хукуқ ва манфаатлари химоя қилиниши, давлат ҳокимияти ва бошқарувি органлари фаолияти очиқлиги, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари шаффоғлиги такомиллаштирилди, шунингдек, хукукни муҳофаза қилиши ҳамда суд органлари фаолиятининг хукукий асослари ислоҳ қилинди.

Бугунги кунда, иқтисодиётни янада ўстириш, халқ фарованиелигини ошириш, мамлакатда инвестиция мухитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этишда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг устувор масаласига айланди. Бу савъ-ҳаракатлар эса, коррупциянинг ҳар қандай кўринишларини, унинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар кўришни тақозо қилмоқда.

Бу борада энг катта амалий ислоҳотлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги¹ фармони билан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилгани бўлди.

¹ <https://lex.uz/docs/4875784>

Ўтган 5 йилда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупция омилларига чек қўйишга қаратилган 10 дан ортиқ норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилиниб, «Йўл ҳариталари» хамда чора-тадбирлар рёжалари тасдиқланди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни билан давлат органларининг вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Бундан ташқари, қатор ҳалқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари билан расмий алоқалар йўлга кўйилиб, ҳалқаро рейтингларда мамлакатимизни юқори погоналарга кўтариш бўйича тизимли ишлар олиб борилди.

Хусусан, коррупция ҳолатлари ҳали ҳам қузатилаётганлиги, бундан ҳалқимиз азият чекаётганлиги, шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ва Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий Кенгашининг фаолияти тўғри йўлга кўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Унда мамлакатимизда бу иллатга қарши курашиш, соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар белгилаб берилди.

Шу боис ҳам, Шавқат Мирзиёев ўзининг сайловолди маърузаларидан бирида ушбу муаммога алоҳида эътибор қаратиб, «бугунги кундаги яна бир устувор вазифамиз — мамлакатимиз ривожига тўсиқ бўлаётган ёвуз иллат, яъни коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, хуқуқбузарликнинг олдини олиш масалаларини самарали ҳал этишдан иборат»² эканини алоҳида таъкидлаган эди.

Бу долзарб мавзуни ўрганиш ва кенг жамоатчиликга тарғиб қилиш, айниқса, мамалакатимизнинг келажақдаги истиқболини белгиловчи ёш авлод, талаба ёшлар ўртасида мавзуга оид билим ва тажрибаларини ошириш мақсадида туркум илмий, илмий-услубий, услубий кўлланмалар, монографиялар, дарсликлар яратиш вазифалари зарурати туғилди.

Шундай тадқиқотлардан бири мазкур “Коррупция глобал-ижтимоий иллат” монографияси хисобланади.

Мазкур монография коррупцияга оид янги маълумотларни ўз ичига олиши билан бирга, илгари мавзуга багишлаб чоп этилган “Коррупцияга қарши

² Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. -Тошкент шаҳри, 2016 йил 28 октябрь, 766-сон.

кураш”³ номли монография ҳамда “Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши кураш стратегияси”⁴ номли ўкув кўлланма асосида яратилиди⁵.

Монография қўйидаги мавзуларни ўз ичига олган:

Биринчи боб: Коррупция тарихи, типологияси, коррупцияни ахлоқий баҳолаш, коррупция турлари, коррупция хизматлари бозори, шахсий манфаат, коррупцион иллатнинг бойитиш жойлари, суд тизимидағи коррупциянинг зарари, коррупциянинг мақбул даражаси, ҳалқаро савдода коррупция, коррупциянинг сабаблари, юкори даражадаги коррупция сабаблари, коррупцияга қарши кураш мавзулари тажхил қилинган.

Иккинчи боб: коррупцияга қарши жаҳон тажрибаси деб номланган бўлиб, унда: Сингапур, Финляндия, Швейцария, Россия, Япония, Австралия, Индонезия ва АҚШ тажрибаси каби мавзулар бўлиб, жаҳоннинг ривожланган давлатларида коррупция иллати ва унга қарши кураш стратегиялари қаламга олинган.

Учинчи бобда, коррупциянинг иктисадий тажхилида коррупция бўлган иктисадиётда ресурсларни тақсимлаш модели, асосий агент назарияси баён қилинган.

Тўртинчи боб: Ўзбекистонда пораҳўрлик ва коррупцияга қарши кураш сиёсати бобида: пораҳўрлик, коррупция тушунчаси ва эътироф қилиниши, пораҳўрликнинг тавсифланиши, жарималар, сиёсат, мухим хавф соҳалари, коррупция тўғрисидаги аҳборот қандай топширилиши керак, коррупцион жиноятлари ва жиноий жавобгарлик каби масалалар тажхил қилинган. Бу бобни ёритиш аносида, мамлакатимизда унинг амалий ва хукукий асоси бўлган қонунлар мисолида ёндошилди. Биз бу монографияда қисман но анъанавий тарзда фақат умумий фалсафий жиҳат билан бирга, аниқ қонунлар воситасида, бевосита қонунлар ва қонуности хужжатларни тўлиқ келтирдик. Мақсад, коррупция иллати ҳақида умумий ва мавҳум тасаввурдан кўра, у ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш ва унга кўлланиладиган жазолар хусусида аниқ хукукий билимларга эга бўлишни исботглаш.

Бу бобда: Ўзбекистонда коррупцион ҳолатлар, уларнинг хусусиятлари ва қарши кураш стратегияси ва хукукий асослари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириши чора-

³ Алиев Б. Ҳакимов Р. Коррупцияга қарши кураш. -Т.: Янги аср авлоди, 2012. 159 б.

⁴ Алиев Б., Мұхторов А., Норов Т. ва бошқ. Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши кураш стратегияси⁴. (ўкув кўлланма)Т.: “Iqtisodiyot”, 2021. 311 б.

⁵ Алиев Б. Ҳакимов Р. Коррупцияга қарши кураш. -Т.: Янги аср авлоди, 2012. 159 б.

тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон фармони⁶, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнданги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони⁷, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнданги “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4761-сон қарори⁸, Вазирлар Мажхамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Коррупцияга оид хукукбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рагбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 829-сон қарори⁹, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июнданги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони¹⁰, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июнданги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарори¹¹, шунингдек, “Тараккиёт стратегияси маркази”, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилганлиги мисолида ёритишли.

Бешинчи боб, коррупцияга қарши кураш бўйича ҳалқаро қонунчилик деб номланган бўлиб, унда коррупцияга қарши кураш бўйича ҳалқаро ва минтақавий ташкилотлар ва шартномалар, айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши Конвенцияси”, бошқа ҳалқаро, минтақавий ва давлатлараро иттифоклар доирасида тузилган шартномлар мисолида таҳлил қилинди ва шу Конвенция ва шартномаларнинг матнлари келтирилди.

Олтинчи боб, Ислом динида коррупция – маънавий-ахлоқий иллат сифатида деб номланган бўлиб, бу бобда, Ислом динида коррупциянинг асосий қўриниши бўлган рибоҳўрлик, ришваҳўрлик, судхурлик каби иллатларга берилган, таъриф ва тавсиф, пора ва упинг турлари, судхўрлик мавзулари таҳлил килинган.

⁶ Lex.uz © Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий хукукий ахборот маркази давлат муассасаси. -Тошкент ш.,2019 йил 27 май, ПФ-5729-сон

⁷ Lex.uz © Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий хукукий ахборот маркази давлат муассасаси. Тошкент ш., 2020 йил 29 июнь, ПҚ-4761-сон

⁸ Lex.uz © Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий хукукий ахборот маркази давлат муассасаси. <https://lex.uz/docs/-5495533>

⁹ Lex.uz © Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий хукукий ахборот маркази давлат муассасаси. <https://lex.uz/docs/-5495533>

¹⁰<https://lex.uz/docs/-5495533> Lex.uz© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий хукукий ахборот маркази давлат муассасаси.

¹¹ <https://lex.uz/docs/-5495533> Lex.uz© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий хукукий ахборот маркази давлат муассасаси.

I боб. КОРРУПАЦИЯ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ, ТУРЛАРИ ВА ДАРАЖАЛАРИ

Дунёда коррупциянинг тури ҳам, тавсифи ҳам жуда кўп. Унинг келиб чиқиши сабабларини очиш, унга қарши курашишнинг самарали йўлларини топиш бўйича олимлар, турли институтлар ва халқаро ташкилотлар томонидан юзлаб, минглаб тадқиқотлар ўтказилган. Турли кўрсаткич ва рақамлар акс этган жадваллар яратилган, ўзига хос рейтинглар тузилган. Ҳатто коррупциянинг хилма-хил формуулалари ишлаб чиқилган. Бу борадаги тизимли ишлар ва изланишлар изчил давом этмоқда.

Ижтимоий-тарихий вазият, фукароларнинг хуқуқий дунёкараши, давлат тузилиши, икғисодий ривожланиш омилларидан келиб чиқиб, ҳар бир давлат коррупцияга қарши ўзига хос усусларда курашмоқда. Бу борада энг самарали йўл ҳали топилган эмас. Чунки коррупция бир қараашда оддий жиноят бўлиб кўрингани билан аслида, унинг келиб чиқиши ва яшовчанлик сабаблари жуда чигал ва мураккабдир.

Масалан бир давлатда натижа берган усул бошқа давлатда у қадар самара кўрсатмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳар бир давлат ва жамият коррупцияга қарши курашиш йўлини ўзи танлайди, аниқроғи, қандай йўл тўғри эканини ҳаёт кўрсатади. Қонунда коррупцияга қарши курашни кенг қамровда олиб бориш чоралари кўзда тутилгани, бу борада ҳар бир масалага алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Эътиборли жиҳати шундаки, коррупция билан боғлиқ ёндашувлар ва методологик таҳлил ва хуносаларда аниқ яқдиллик йўқ. Таҳлилларда коррупция – энг жирканч ва хавфли иллатдан айрим ўринларда ҳатто ижобий баҳоланган.

Коррупция нима? Бу ҳақда ҳамманинг ўзига хос тасаввури, тушунчasi бор, албатта. Қонунлар ва хуқуқий хужожатларда унга шундай таъриф берилган: коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш саналади.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”-ги қонунида коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оши-рувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар, коррупцияга қарши курашиш соҳасида хуқуқий маданиятни юксалтириш, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар, коррупцияга оид хукукбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги каби масалалар аниқ белгилаб қўйилган. Бу ҳақида кейинги бўлимларда тўхталиб ўтамиз.

Мазкур қонун билан яқиндан танишиш, унинг ҳар бир моддасини чукур ўрганиб, ҳаётимизга татбиқ этишга интилиш, содда қилиб айтганда, коррупция балосининг нақадар мудхиш иллат эканини тушуниш, мустақил идрок этиш, энг муҳими, унга карши курашиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Коррупцияга алоқадор одам қонунни бузилишдан ташқари, ўзининг кимлигини, эътиқоди, маънавияти қай дарајсада эканини ошкор қиласди. Бундай одам нафақат молиявий зиён-заҳмат етказади, балки давлатни, демократияни бехурмат қилиб обрўсини тўқади, унга нон-туз бериб катта қилган, илму хунар, обрў ва мансаб берган эл-юртнинг юзига оёқ қўяди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва принципларини белгилашда бундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаши масаласи қатъий ҳисобга олинган.

Коррупцияга аралашган, бу жирканч иллатга қўл урган одам учун улуг нарсалар, мўътабар туйгуларнинг қадри йўқолади. Бундай киши ҳаётда ҳамма нарсани сотиб олиш ва сотиш мумкин, деб ўйлади. Улар ҳеч кимга, имон-эътиқодга ишонмайди, айни пайтда бундай кимсаларга ҳаёт учун азиз саналадиган ҳеч нарсани ишониб бўлмайди. Чунки улар ота-онаси, қариндош-уруглари, ёру-биродарлари, маҳалла-кўйнинг юзини ерга қара-тишдан, бошини эгишдан уялмайди.

Ҳаммамиз яхши биламизки, қонун ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларни, амалга ошириладиган чора-тадбирларни белгилаб беради. Агар ҳаётда қонун ишламаса, уни бир парча оддий коғоздан фарқи колмайди. Шундай экан, коррупция ҳақида қонун қабул қилинди, энди ҳаммаси изига тушиб кетади, деб ўйлаш, хотиржамликка берилиш катта хато бўлади. Коррупция балосидан қутулиш, ислоҳотларни унинг чангалидан озод этиш ҳақида ҳаммамиз ўйлашимиз, бунинг заруратини ҳар биримиз юрагимиздан ўтказишнимиз, унга карши қатъий курашишимиз керак.

Бу кураш кундалик ҳаётимиздаги оддий ҳолатлардан бошланади. Шифокордан яхшироқ маслаҳат олиш, навбатни тезлаштириш, рейтинг дафтарчасига тузукроқ баҳо кўйдириш ва шунга ўхшаш вазиятларда ўзимизни муносиб тутишимиз лозим бўлади.

Тўғри, ҳаётда турли ҳолатлар ва ҳаракатларга дуч келамиз. Баъзида кўз ўнгимизда қонунлар бузилади, инсон ҳуқуки, қадр-қиммати поймол этилади. Бундай вазиятларда чорасизлиқдан одамнинг боши гангид қолади. Лекин давлатимиз томонидан олиб борилаётган демократик ислоҳотлар, жорий

этилаётган хуқукий ўзгариш ва янгиланишлар фукаролар чорасиз қолганида ёрдамга келади. Олис қишлоқлардаги мурожаатларнинг ҳам овози эшитилади.

Кишиларнинг табиатига ўхшаб раҳбару масъуллар ҳам турлича бўлади. “Жамоада ҳамма қулайлик ўзим учун, бу ташкилот менга бир пайтлардаги хизматларим, фароғатда яшамогим учун берилган, марҳамат, қолганлар аравасини ўзи амаллаб тортаверсин” қабилида тор ва эскича ўйлайдиган, “олди-берди” фаолиятигининг бир қисми деб тушунадиган, демократик қонун-қоидаларни етарлича идроқ эта олмайдиган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун қонунда ахолининг хуқукий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, хусусан, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хуқукий саводхонлигини ошириш чоралари кўзда тутилган.

Қонунда белгиланганидек, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги хуқукий таълим ва тарбияни кучайтириш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этади. Тўғри ишлаб, тўғри яшаш саодатини болаликдан, ёшлиқдан ўрганган киши мард ва ҳалол бўлади. Адолатсизлик, қонунга хурматсизлик, касбу амалга, ишончга хиёнат қилиб бўлмаслигини ўқиб-уққан, пораҳўрлик ва коррупцияга, суиистемолчиликка қарши ўзида иммунитет ҳосил қилган ёшлар келажакда журъатли, виждонли инсон бўлиб етишади. Қонунга, тартиб-қоидаларга хурмат сақлаб, эл-юртга садоқат билан хизмат киласди. Ҳалол меҳнат билан топилмаган бойлик тотли бўлмаслигини, ҳеч кимга буюрмаслигини, яхшилик эмас, ёмонлик ва кулфат келтиришини тушунади.

Бир ёш кадр масъулиятли вазифага келса, амалга эга бўлса, бундан отаона, қариндош-уруг қанчалик кувонади. Бу табиий ва эзгу туйғу, албатта. Лекин баъзи ногўри, зарарли иллатлар, билиб-бilmай, тушуниб-тушунмай йўл кўйиб бериладиган одатлар ҳам борки, уларни асло эсдан чиқармаслигимиз керак. Гоҳида шундай бўладики, яқинлар, оға-иниларнинг “ўглим ёки оғайнин, мана, ишлайсан-ку, опантни узатилаётган қизига дурустроқ совға бергинин, амакингнинг етмай турган машина пулига ёрдам қилиб юборгин, қийналиб юрибди...” қабилидаги истак ва хошишлар ёш кадрларни бузади, бошини айлантириб қўяди. Яқинларига хурмат юзасидан бечора ўзини ўққа-чўққа уришга, ноқонуний иш қилишга, осон пул топишга харакат қиласди. Истабистамай, боши берк кўчага кириб қолади ва коррупция тузофига илинади.

Кариндош-уругчилик, таниш-билишчиликдан давлат ва жамият манфаатларига зиён етмаслиги, қонуларга, инсоннинг кадр-кимматига раҳна солинмаслиги керак. Қандайдир манфаат ортидан боғланган ришта, дўстлик,

ака-укачилик узокқа چүзилмайды, хеч кимга хурмат олиб бермайды. Бунга ҳәётдан күплаб мисоллар топиш мүмкін.

Коррупцияга қарши курашишда, давлат ҳокимияти органлари фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашда, фуқароларга тезкор ва холис ахборот етказишида оммавий ахборот воситаларига эркинлик бериш, демократик ислохотлар жараёнида уларнинг нуфузи ва мавқеини ошириш долзарб масала ҳисобланади. Шунинг учун коррупцияга қарши курашишда оммавий ахборот воситаларининг иштирок этиши, коррупцияга оид хуқук-бузарликлар тўғрисида ахборот берәётган шахсларни ҳимоя қилиш масалалари қонунда алоҳида белгилаб кўйилган.

Оммавий ахборот воситаларининг эркин ва дадил фаолиятисиз жамият ҳәйтини демократлаштириш, кишиларни мустакил фикрлаб яшашга ундаш, ҳозирги кунда сув ва ҳаводек зарур бўлган жамоатчилик назоратини изчил йўлга кўйиш мүмкін эмас. Бутун дунёда давлатнинг демократияни хурмат қилишига, ҳалқнинг салоҳияти ва маданиятига матбуот эркинлиги, одиллигига қараб ҳам баҳо берилади. Албатта, бугун бу ҳақиқатни кўпчилигимиз яхши тушунамиз ва тан оламиз.

Шу ўринда коррупцияга қарши курашиш масаласининг яна бир томонига зътибор каратсак. Нобоп, «муомала қилиш», «келишиш»га мойил раҳбар ёки бошқа бир мастьул нафақат ташкилотга, жамиятга, ишчи-ходимларга зиён етказади, балки бундай инсон билан ташкилотнинг, жамоанинг, айниқса, ёш кадрларнинг вақти, умри беҳуда ўтади. Раҳбар ҳаммага ўrnак бўлиб, ҳалол ишлаб, фидойилик кўрсатиш ўrnига, йигилишларда бир гапни гапириб, ўзи бутунлай тескарисини килса, ундан ёш кадрлар нимани ўрганади? Қандай ўrnак олади? Коррупцияга қарши курашиш яна шуниси билан мухимки, мазкур жараёнларда ишчи-ходимлар, ёшлар ҳалол ишлаши, ишонч ва ваколатга муносиб хизмат билан жавоб қайтариши зарур, деган тушунчага таяниб фаолият юритишни ўрганади. Ҳар қандай вазиятда мард киши, бари-бир, ҳалол бўлади, деган зътиқодда сабит туради.

Шу сабабли ҳам сўнгти йилларда мамлакатимизда тадбиркорлар, кичик бизнес субъектларига “ягона дарча” тамоилии орқали хизмат кўрсатиляпти, ягона портал орқали давлат хизматлари электрон шаклда тақдим этилмоқда. Қонун ҳужжатларига, давлат ташкилотларининг иш фаолиятига очиқлик, ошкораликни таъминлаши нуқтаи назаридан ўзгартиришлар киритиляпти ва бошқа кўплаб янгиликлар жорий қилинмоқда. Буларнинг барчаси коррупция балосини бартараф этишида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Фуқаролар бундай ёндашувни жонудили билан қўллаб-қувватламоқда.

Дунё кун сайин, соат сайин ривожланяпти. Давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳамкорликнинг тезкор, янгидан-янги уфклари очиляпти, миллий иқтисодиётлар ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда юксалмоқда, тараққий этмоқда. Бугун ҳар қандай давлат бошқа давлатлар билан изчил ҳамкорлик кильмасдан, оқилона инвестиция ва ресурсларга таянмасдан, жаҳонга чиқмасдан, айни пайтда дунёга эшикларини кенг очмасдан, инсонлар бемалол ишлайдиган ишончли маконга айланмасдан юқори натижаларга эриша олмайди.

Эркин фаолият юритишга кенг йўл очиб берилган, инсон ҳуқуклари, қонуний манфаатлари катъий ҳимоя қилинадиган мамлакатнинг остонасидан инсон аримайди, бундай давлат дунёнинг турли нукталаридан ишбилармонлар талпинадиган юртга айланади.

Сўнгги вақтларда жамиятимиз ҳаёти, мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларини янада жадал ривожлантириш бўйича қабул қилинган қонунлар, Президент қарор ва фармонлари ана шу эзгу мақсадга қаратилганини англаш қийин эмас. Туризмни ривожлантириш, дунёнинг кўпілаб давлатларидан юртимизга ташриф буюрадиган сайдёхлар учун виза режимини бекор килиш ёки суд-хукуқ тизимини такомиллаштириш, судларнинг ҳақиқий мустакиллигини таъминлаш ёхуд тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, турли бюрократик тўсик ва говларни йўқ қилиш ҳақидаги ҳамда бошқа бир қанча қарор ва фармонлар инсонларнинг йўлини очишга, Ўзбекистонимизнинг жозибасини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни бу борадаги ислоҳотлар янада изчил тус олишига шароит яратмоқда, халқимизда катта умид уйғотмоқда.

Хусусан, Қонунга кўра, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи; бу жараёнда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро Комиссияси ташкил этилиши белгиланган. Ушбу Комиссияни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланиши қайд этилган. Бу меъёр коррупцияга қарши курашнинг доимий ва изчил тус олишида муҳим аҳамиятга эга. Конституциямизга мувофиқ Президент фуқароларнинг ҳуқуклари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир.

Юқорида айтганимиздек, Коррупция (лот. *Corruption* «порахўрлиқ»)¹² – бу атама одатда мансабдор шахс томонидан ўз зиммасига юклатилган куч ва ҳуқуқлардан фойдаланишни англатувчи, шунингдек, ушбу расмий ваколат мақоми билан боғлиқ бўлган, қонунлар ва ахлоқий тамоилиларга зид бўлган шахсий манфаатлар учун имкониятлар, алоқаларни англатади. Коррупция манфур давлатларга хос бўлган амалдорларнинг порахўрлиги деб ҳам аталади. Европа тилларидағи тегишли атама одатда лотин сўзининг асл маъносидан келиб чиқадиган кентрок семантилага эга.

Коррупциянинг характерли белгиси мансабдор шахснинг харакатлари билан унинг иш берувчиси манфаатлари ўртасидаги зиддият ёки сайланган мансабдор шахснинг харакатлари билан жамият манфаатлари ўртасидаги зиддиятдир. Коррупциянинг кўп турлари мансабдор шахс томонидан содир этилган фирибгарликка ўхшайди ва давлат органларига қарши жиноятлар тоифасига киради.

Ўзига тегишли бўлмаган ҳар қандай ресурсларни тақсимлашда ўз хоҳишига кўра, ваколатига эга бўлган ҳар қандай мансабдор шахс (*mansabדור шахс, депутат, судья, ҳуқуқни муҳофаза қилиши органлари ходими, маъмур ва бошқалар*) коррупцияга дуч келиши мумкин. Коррупцияни рагбатлантирувчи асосий омил – ҳокимиятдан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий фойда (*рента*) олиш имконияти, асосий тўсиқ эса таъсир қилиш ва жазолаш хавфи.

Буюк италян шоири Данте Алигьери ўзининг “Илоҳий Комедия” асарида порахўрларни жаҳаннам гравининг еттинчи доирасига жойлаштириди¹³. Коррупциянинг тизимли хусусияти унинг камраб олинадиган давлат ташкилотларида иштайдиганлар учун мажбурлаш хусусиятида намоён бўлади: кўйи погоналар пора йигади ва ўз лавозимларини саклаб қолиш учун юкори кисм билан бўлишади.

Макроиқтисодий ва сиёсий иқтисодий тадқиқотларга кўра, коррупция катта зарар етказади ва бутун жамият манфаатлари йўлида иқтисодий ўсиш ва ривожланишга тўскинлик қиласди.

1.1. Таъриф

“Коррупция” сўзининг лугавий маъносига тўхталиб ўтсак. Коррупция атамаси лотинча “*corruptio*” сўзидан олинган бўлиб, пора бериб сотиб олиш, бузилиш, ишдан чиқиш, ахлоқий (маънавий) бузилиш деган маъноларни англатади. Бошқа бир изоҳда, коррупция сўзи «сотиши», «сотилиши» деган маъноларни ҳам англатар экан. Раҳбар ёки масъул киши қандай қилиб

¹² <https://www.oecd.org/corruption>

¹³ <https://ziyoruz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/dante-aligeri-va-uning-ilohiy-komediya-si/>

коррупцияга қўл уради? Бунга қандай омиллар сабаб бўлади? Бу саволларга турлича жавоб бўлиши мумкин. Лекин шуниси аниқки, сотадиган, сотиладиган киши хеч бир вазифани кўнгилдан бажармайди.

Одатда мансабдор шахс томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва хукуклардан, шунингдек, бу билан боғлиқ расмий нуфуз мақомидан, имкониятлар ва алоқаларидан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб қонунчилик ҳамда ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишини англатади.

Коррупция — Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар коррупцияни: ишониб топширилган ваколатларни шахсий манфаатлари учун суистеъмол қилиш деб тушунадилар. Шунингдек, аникладиган (ҳокимият ишончили манбаларни ўз ичига олиши, у давлат ва хусусий сектор билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги ва ҳ.к.) ёки катъийроқ хукукий атама ва тушунчалар кўлланган.

1.2. Коррупция ўтмиии

Коррупцияга қарши курашчи сифатида тилга олинган биринчи хукмдор милоддан аввалги ХХIV асрнинг иккинчи ярмида Лагаш шаҳар-давлатининг шумерлар қироли Уруинимгина эди. Коррупция учун индикатив ва кўпинча шафқатсиз жазоларга қарамай, унга қарши кураш керакли натижаларга олиб келмади. Яхшиямки, энг хавфли жиноятларнинг олди олинди, аммо майда чиқиндилар ва пора даражасида коррупция кенг тарқалди. Милоддан аввалги IV асрда Бхарата (Хиндистон) вазирларидан бири томонидан Коррупция тўғрисидаги биринчи трактат Арга Шастра Каутиля таҳаллуси билан нашр этилган эди. Унда у «кирол мулки, хеч бўлмагандан озгина бўлса ҳам, ушбу мулк учун масъул бўлганлар томонидан ўзлаштирилиши мумкин эмас»¹⁴, – деган пессимистик хуоса қилди. Яна эътиборли жиҳати, бу қонун ва пандноманинг асосий мақсади қирол, яъни давлат мулки муҳофазасига қаратилган.

Қадимги Миср фиръавнлари ҳам худди шундай муаммоларга дуч келишибди. Бу ерда амалдорларнинг улкан бюрократик аппарати мавжуд бўлиб, улар эркин дехқонлар, хунармандлар ва ҳатто ҳарбий зодагонларга нисбатан қонунсизлик ва ўзбошимчаликни яратишга имкон беришди. Ўша давр Мисрга оид манбалардан: «Ҳокимият олдида орқангизни эгib олинг, шунда уйингиз тартибда бўлади, сизнинг маошингиз тартибда бўлади, чунки бу хўжайинга қарши бўлган одамга ёмон, лекин у ёқтирганда яшаш осон», дейилган¹⁵.

Судьяларнинг оғирлиги алоҳида ташвиш ўйғотди, чунки бу мол-мулкни ноқонуний равишда тақсимлаш ва низоларни қонунчилик доирасидан ташқарида ҳал қилиш истагини келтириб чиқарди. Коррупциянинг барча

¹⁴ <https://qomus.info › mulk-uz>

¹⁵ [https://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/huquq/Rim%20huquqi%20\(V.Torildiyev\).pdf](https://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/huquq/Rim%20huquqi%20(V.Torildiyev).pdf)

турларини олиб борувчи етакти динлар биринчи навбатда судьяларнинг пора-хўрлигини қоралашлари бежиз эмас:

- «бошилик совғаларни талаб қиласди, судья эса пора учун судьялар ва зодагонлар ўз қалбларининг ёмон истакларини ифода этадилар ва ишни бузадилар»¹⁶;

- «Совғаларни қабул кильманг, чунки кўр-кўрона совғалар қалб кўзини кўр қиласди ва солихларнинг ишини ўзгартиради»¹⁷;

- «Бир-бирларингизнинг молларингизни ботилий ўйл билан еманг. Билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини гуноҳ ила ейшинингиз учун уни ҳокимларга ташламанг» («Бақарға» сураси 188 оят)¹⁸ ва бошқалар.

Қадимги Рим қонунларининг XII жадвалида «тузатувчи» атамаси «судда кўрсатмаларни пулга алмаштириш» ва «судьяга пора беринш» маъноларида кўлланила бошланди¹⁹.

Коррупцияни тушунишга муҳим туртки, Никколо Макиавеллининг асрларида янгича талқин қилинган. У коррупцияни истеъмол каби қасаллик билан тақослади: «Аввалига таниб олиш қийин, аммо даволаш осонроқ. Агар унга эътибор берилмаса, уни таниб олиш осон, аммо даволаш қийин»²⁰.

XVIII аср охиридан бошлаб Ғарбда жамиятнинг коррупцияга бўлган муносабатида бурилиш даври келди. Либерал ислоҳотлар давлат ҳокимияти унга бўйсунадиган одамлар манфаати учун мавжуд, шунинг учун субъектлар амалдорлар томонидан қонулларга қатъий риоя қилиш эвазига хукуматни кўллаб-кувватлайдилар деган шиор остида амалга оширилди. Хусусан, 1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституциясига биноан, пора олиш АҚШ президентига нисбатан импичмент эълон қилиниши мумкин бўлган аниқ айтиб ўтилган иккита жиноятдан биридир²¹. Жамият давлат аппарати ишининг сифатига тобора кўпроқ таъсир ўтказа бошлади. Сиёсий партиялар ва хукумат томонидан тартибга солиш кучайган сари, сиёсий элита ва йирик бизнеснинг тил бириктириши эпизодлари тобора кўпроқ ташвишга тушди. Шунга қарамай, XIX-XX асрларда ривожланган мамлакатларда коррупция даражаси бутун дунёга нисбатан пасайган.

Ривожланган мамлакатларда коррупция эволюциясининг янги босқичи XIX-XX асрларнинг бошлари эди. Бир томондан, давлат томонидан тартибга солинишини ва шунга мувофиқ амалдорларнинг ҳокимиятини яна бир бор

¹⁶[https://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/huquq/Rim%20huquqi%20\(V.Topildiyev\).pdf](https://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/huquq/Rim%20huquqi%20(V.Topildiyev).pdf)

¹⁷[https://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/huquq/Rim%20huquqi%20\(V.Topildiyev\).pdf](https://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/huquq/Rim%20huquqi%20(V.Topildiyev).pdf)

¹⁸<http://muslim.uz/index.php/rukn/irfon/item/23529-2-baara-surasri-188-oyat>

¹⁹[https://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/huquq/Rim%20huquqi%20\(V.Topildiyev\).pdf](https://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/huquq/Rim%20huquqi%20(V.Topildiyev).pdf)

²⁰ Никколо Макиавелли. <https://ru.wikipedia.org>

²¹<https://be.convdocs.org/docs/index-110965.html?page=23>.

кучайтириш бошланди. Бошқа томондан, рақобат курашида «давлатни сотиб олиш»га ўтишни бошлаган йирик хусусий бизнес пайдо бўлди – энди айрим кичик давлат хизматчиларининг эпизодик пора олишига эмас, балки сиёсатчилар ва юқори лавозимли амалдорларнинг фаолиятини капитал манфаатларини химоя қилишга йўналтириш бошланди. Ривожланган мамлакатларда (айникса, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Фарбий Европада) сиёсий партияларнинг ахамияти ошгани сайнин, йирик фирмалар ва трансмиллий Корпорациялар сиёсатчиларга ўз манфаатларини *лоббичилик*²² килгани учун эмас, балки партия газнасига шахсан тўлаб турганда, партиялардаги коррупция ривожланди.

XX асрнинг иккинчи ярмида коррупция тобора ҳалқаро муаммога айлана бошлади. Чет элда юқори лавозимли амалдорларнинг корпорациялари томонидан пора бериш кенг тарқалди. Глобаллашув бир мамлакатдаги Коррупция кўплаб давлатларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатишни бошлаганига олиб келди. Шу билан бирга, энг юқори даражадаги коррупция даражаси бўлган мамлакатлар энди учинчидан дунё билан чекланиб қолмайдилар. 1990 йилларда собиқ социалистик мамлакатларда либераллаштириш, мансабни кўпол равишда сунистеъмол қилиш билан бирга, “Финан-сиал Тимес” газетасининг 1995 йил 31 декабрдаги сонида 1995 йилни «Коррупция йили» деб эълон қилингандиги маълум қилинди. Коррупция тўғрисидаги билимларни тарғиб қилиш учун БМТ Ҳалқаро Коррупцияга қарши кураш кунини (9 декабрь) ташкил этди²³.

1.3. Типология

Коррупцияни кўплаб мезонларга кўра таснифлаш мумкин: ўзаро таъсир килувчи субъектларнинг турлари бўйича (фуқаролар ва кичик ходимлар, фирмалар ва мансабдор шахслар, миллат ва сиёсий раҳбарият); фойда тури бўйича (фойда олиш ёки харажатларни камайтириш); йўналиш бўйича (ички ва ташқи); субъектларнинг ўзаро алоқаси йўли билан, марказлашув даражаси, башорат қилиниши мумкинлиги ва бошқалар. Россияда тарихий жиҳатдан коррупция қонуний ҳаракатлар («пора олиш») ёки ноқонуний хатти-ҳаракатлар («очкӯзлик») учун ноқонуний устунлик мавжудлигига караб ҳам фарқ қилган²⁴.

²² <https://kun.uz>

²³ <http://pharmi.uz/9-dekabr-korupsiyaga-qarshi-kurashish-xalqaro-kuni-munosabati-bilan-ochiq-eshilalar-kuni-tadbiri-tashkil-etildi/>

²⁴ <https://cyberleninka.ru/article/n/tipologiya-korruptsii-i-osnovnye-modeli-korruptsionnyh-strategiy-povedeniya>

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I боб. КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСЫ, УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ, ТУРЛARI BA DAРАЖАЛАРИ.....	7
1.1. Тағриф	12
1.2. Коррупция ўтмиши.....	13
1.3. Типология	15
1.4. Коррупциянын ахлоқый баҳолаш.....	16
1.5. Коррупция турлари.....	17
1.6. Коррупция хизматлари бозори	17
1.7. Шахсий манфаат.....	18
1.8. Коррупцион иллатнинг бойитиш жойлари	19
1.9. Суд тизимидағи коррупция	20
1.10. Коррупциянын зарари	22
1.11. Коррупциянынг мақбул даражаси.....	22
1.12. Халқаро савдода коррупция	23
1.13. Коррупциянынг сабаблари. Асосий қарама-қаршилик.....	23
1.14. Юқори даражадаги коррупция сабаблари	24
1.15. Коррупцияга қарши курап	26
1.16. Ички назорат.....	27
1.17. Тапки бошқарув	27
1.18. Сайлов тизими	28
1.19. Умумий чоралар	29
1.20. Объектив кийинчиликлар	30
II боб. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ЖАХОН ТАЖРИБАСИ.....	32
2.1. Сингапурнинг коррупцияға қарши стратегияси	37
2.2. Финніядыннинг коррупцияға қарши стратегияси	41
2.3. Швейцарияннинг коррупцияға қарши стратегияси	41
2.4. Россиядаги Коррупция	42
2.5. Япония тажрибаси	45
2.6. Австрияда ўқитувчы сифатида адлия ва ички ишлар вазирлари таклиф этилади	48

2.7. Индонезия: коррупцияга қарши 9 та қадрият	49
2.8. Буюк Британияда коррупция далилларини аниклаш бўйича маҳсус дарслик	50
2.9. Ҳиндистонда коррупцияга қарши таълим дастури йўқ.....	50
2.10. АҚШда бехосдан хатога йўл қўйган ходим жазоламайди	51
2.11. Таклиф ва 5 ташаббус	51
III боб. КОРРУПЦИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ.....	53
3.1. Коррупция бўлган иқтисодиётда ресурсларни таксимлаш модели	53
3.2. Асосий агент назарияси	54
IV боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ПОРАХЎРЛИК ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ СИЁСАТИ	55
4.1. Порахўрлик ва коррупция тушунчаси ва эътироф қилиниши	55
4.2. Жарималар	58
4.3. Сиёсат.....	59
4.4. Мухим хавф соҳалари	60
4.5. Коррупция тўғрисидаги аҳборот қандай топпирлиши керак?	61
4.6. Коррупцион жиноятлар жиноий жавобгарлиги.....	62
4.7. 2017 йил 4 январдан «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги конун кучга кирди	63
4.8. Ўзбекистонда коррупцион холатлар, уларнинг хусусиятлари қарши кураш стратегияси ва ҳукукий асослари	63
4.9. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишда “compliance control“ тизими жорий этилади	65
4.10. Коррупцияни ўлчаи усуулари хилма-хиллигига қарамай, мутахассислар коррупциянинг аниқ ҳаражатлари ва оқибатларини аниклашда жиддий муаммоларга дуч келмоқдалар	66
4.11. Ўзбекистонда коррупциия динамикаси	66
4.12. Ўзбекистондаги коррупция хавфи бўлган соҳалар	68
4.13. Коррупция “ботқоғи”даги соҳалар “тозаланади” ҳамда давлат хизматчилигининг мол-мумкин декларация қилинади	68
4.14. Коррупцияга қарши қандай курашиш керак?	69
4.15. Сұхбатлар ва интервьюлар:.....	71
4.16. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги конуни	88
4.17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.....	105

4.18.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ти карори.....	114
V боб.	КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҚОНУНЧИЛИК	117
5.1.	Коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотлар ва шартномалар	117
5.2.	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси....	119
VI боб.	ИСЛОМДА КОРРУПЦИЯ – МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИЛЛАТ СИФАТИДА	208
6.1.	Исломда коррупциянинг асосий кўриниши бўлган рибохўрлик, ришваҳўрлик, судхўрлик каби иллатларга берилган таъриф ва тавсиф	208
6.2.	Пора ва унинг турлари	217
6.3.	Рибо хақида	224
6.4.	Судхўрлик	232
	ХУЛОСА.....	234
	ГЛОССАРИЙ	237
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	268